

ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

adolat_sdp@doda.uz • www.adolat.uz • № 31 (836) • 2011 йил, 22 июль, жума

“Ўзбекистон инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма шароитларга эга. Бу мамлакатимиз жаҳондаги иқтисодий ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шarti ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади”.

Ислом Каримов

Инновацион технологиялар

иқтисодий тараққиёт асоси

Таҳлил

Илёс САХАТОВ,
«Adolat» мухбири.

2009 йил. Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонасида халқаро стандартларга жавоб берадиган, замонавий Джет А-1 навли авиация ёқилғиси ишлаб чиқарила бошланди. Мазкур ёқилғи “Боинг”, “Аэробус” ва RG русумдаги фарб самолётлари учун мўлжалланган бўлиб, уни ишлаб чиқариш технологияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти олимлари томонидан яратилди. Бу Ўзбекистон инновацион тараққиётидаги муҳим ютуқлардан бири бўлди.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида фан ва техниканинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Зеро, жаҳондаги ривожланган давлатларнинг иқтисодий тараққиёти илмий-техникавий ютуқлари билан белгиланади. Масалан, АҚШда миллий даромад ўсишининг 80 фоизга яқини фан-техника ютуқлари ҳисобига таъминланса, Японияда эса бу кўрсаткич 63 фоизга тенг.

Таъкидлаш лозимки, истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби фан ва техникани ривожлантиришда ҳам муайян ютуқларга эришилди. Бунда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз раҳнамолигида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтиришга қаратилган ул-

кан эътибор муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам Республикада инновация туридаги иқтисодий тараққиётни ташкил этишни муҳим вазифа, деб ҳисоблайди. Уни ривожлантириш мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беради. Партия иқтисодий таркибий қайта куриш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратади. Иқтисодий энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, илгўр инновацион фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизимига таяниши даркор деб ҳисоблайди.

Давоми 4-бетда >>

Ўзбек кураши Осиё ўйинлари дастурига киритилди. Бу ҳақда Осиё олимпия кенгашининг навбатдаги Бош асамблеясида эълон қилинди.

Ўзбек кураши жаҳон майдонида

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири.

Ушбу тарихий воқеа муносабати билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ўзбек спорти — кураш Олимпиада сари” мавзuida матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Кураш халқаро ассоциацияси президенти К.Юсупов, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири Т.Кўзиёв ва бошқалар давлатимиз раҳбари, Кураш халқаро ассоциацияси фахрий президенти Ислом Каримов раҳнамолигида қадимий анъаналаримизни эъзозлаш, миллий ўзликини англаш, халқимизнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини намойиш этишининг муҳим омилли сифатида ўзбек кураши тобора раванг топаётганини таъкидлади.

Давоми 5-бетда >>



Навоий: навқирон вилоят

туманлари, шаҳарлари, қишлоқлари ва маҳаллаларида энг улуғ, энг азиз байрам шукуҳи кезмоқда



Фахр

Салоҳиддин САМАДОВ,
Навоий вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари.

Шу кунларда бутун республикада бўлгани каби мамлакатимизнинг нисбатан кенжа бўлса-да, салоҳияти юксак вилоятларидан бири — Навоийда Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан кутиб олишга қизгин таралдуд кўрилмоқда.

Давоми 3-бетда >>

Тинчликпарвар, пухта ўйланган сиёсат моҳияти

давра суҳбати иштирокчиларининг диққат марказида бўлди

Давра суҳбати

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Мирзо Улугбек тумани кенгаши ташаббуси билан «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясида «Ўзбекистон Республикасининг минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдаги ташаббуслари» мавзuida давра суҳбати ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидagi Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари, партия фаоллари, «Ўзавтойўл» ДАК вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралаётганини алоҳида таъкидладилар. Бу борада қатъий ва изчил сиёсат юри-

тилаётганини қайд этдилар. Шунингдек, давра суҳбатида таъкидланганидек, мамлакатимизда халқаро терроризмга, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига ва одам савдосига қарши кураш соҳасидаги давлат стратегиясини амалга ошириш мақсадида мустаҳкам қонунчилик, норматив-ҳуқуқий база яратилди.

Давоми 6-бетда >>

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар партия Кенгашларида партия фаоллари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида “Демократик ривожланишнинг янги босқичида Ўзбекистон “Адолат” СДПни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш” мавзuidaги минтақавий ўқув-семинарлари ўтказилмоқда. Мақсад — партиянинг жамиятдаги янгилинишлар жараёнидаги муносиб иштирокини таъминлаш, сиёсий фаолликни, ташаббускорликни кучайтириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини амалга оширишда партия мақсад-вазифаларидан, электротар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда изчил, самарали иш юритишдан иборат.

Соғлом кучлар ягона мақсадга бирлаштирилса

партиянинг нуфузи ҳам обрў-эътибори ҳам ортади

Ўқув-семинар

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири.

Самарқандда бўлиб ўтган навбатдаги ўқув-семинари ҳам ўз мазмун-моҳиятига кўра юқоридаги вазифаларни яна бир қарра илғаб олишга ва партия фаоллари, депутатлари ўз ваколатларидан оқилона фойдаланишга ундади, десак ўринли бўлади.



Давоми 2-бетда >>

Сафимиз кенгаймоқда

Бугунги кунда партия сафи интилувчан ва изланувчан, ташаббускор фуқаролар билан кенгаймоқда. Бу, албатта аҳоли ўртасида партияга бўлган ишонч ортаётганигидан далolatдир. Масалан, Чирчиқ шаҳридаги мазкур тадбирда ҳам партия сафига юздан ортиқ янги аъзолар қабул қилинди. Хусусан, Чирчиқ шаҳар почтасидан 45 нафар ходим партия аъзолигига қабул қилиниб, бу ерда “Адолат” СДП бошланғич партия ташкилоты ташкил этилди.

3-бет

Оилавий бизнес — фаровонлик калити

Фақат шу йилнинг ўзида шаҳардаги «Шодлик», «Сўзангарон», «Хўжади», «Боғишифо», «Йўнгиққаврик», «Саидмаҳалла» сингари аҳолиси кўп маҳаллаларда касаначиликни ва оила бизнесини йўлга қўйиш орқали юзга яқин янги иш ўрни яратилди.

5-бет

Талабалик олтин даврим

Юртбошимиз биз ёшларнинг келажакимизга катта умид боғлаб, “фарзандларимиз биздан кўра кучли, илмли ва албатта бахтли бўлишлари шарт”, дея айтган сўзларини эслаганимизда ҳар гал бунга муносиб фарзанд бўлишга интиламиз. Хақиқатан ҳам бундай тинч-осойишта замонда, замонавий таълим даргоҳларида таълим олаётган эканмиз, куну тунимизни илм чўққиларини забт этишга бағишлаш, айни мuddада.

7-бет

Инновацион технологиялар

иқтисодий тараққиёт асоси

« Давоми. Боши 1-бетда»

Айни пайтда мамлакатимизнинг илмий-техникага оид давлат дастурларида белгиланган вазифаларни бажаришда икки юздан зиёд илмий-тадқиқот муассасаси, олий ўқув юрлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашма ва марказлари, лойиҳа институтлари ва инновация марказлари фаол иш олиб бормоқда. Уларда ўттиз беш минг нафарга яқин етук олим, профессор-ўқитувчи, ёш тадқиқотчи, муҳандис-техник, лаборатория ходимлари илм-фанни ривожлантириш, мавжуд илмий мактаблар фаолиятини изчил давом эттириш ва жаҳон миқёсида намойиш этиш, янги ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш борасида изланишлар олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янада юксак босқинга олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.


Тўрт йилдан буён анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси илм-фан янгиликларини ҳаётга татбиқ этишда кенг имкониятлар яратмоқда. Ўтган йилларда ушбу тадбир доирасида икки мингдан зиёд илмий ишланма, ихтиро ва технология ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ва фермерларга тақдим этилди. Янги технологияларнинг жорий этиш бўйича бир ярим мингдан ортиқ шартнома имзоланди. Натижада илм-фан ютуқлари асосида корхоналарда ўндан зиёд янги маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди.

Мамлакатимиздаги ўн саккизта йirik санаят корхонасида инновация марказлари ташкил этилди. Бу соҳа ривожига хизмат қиладиган ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш билан бир қаторда, олимларни тармоқ олдида турган долзарб вазифалар ва уларни ҳал этишга хизмат қиладиган илмий лойиҳалар билан таништириш имконини бермоқда.

Фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиб бориши натижасида олимлар яратган юқори самарали технологияларни амалиётга жорий этиш кўлами кенгаймоқда.

Буни биргина Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти жамоаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Мустақиллик йилларида институтимизда 25 тадан ортиқ юқори самарали инновацион технологиялар яратил-



ди, улардан 7 таси муваффақиятли равишда ишлаб чиқаришга жорий этилди, — дейди институт лабораторияси мудири, академик Зокиржон Салимов. — Кишлоқ ҳўжалигини юқори сифатли ўғитлар билан таъминлаш мақсадида, институтда бойитилмаган Қизилқум фосфоритларини, дунё таърибасида ўхшаши бўлмаган, кам меъёри нитрат кислотаси билан парчалаш асосида азотфосфоркальцийли ўғит (нитрофос) олиш технологияси яратилди ва ушбу технология «Самарқандкимё» ОАЖ ни модернизация қилиш учун қабул қилинди. 2006-2010 йиллар давомида «Самарқандкимё» ОАЖ да умумий қиймати 38,6 миллиард сўмлик 236,1 минг тонна нитрофос ўғити ишлаб чиқарилиб, унинг бир қисми (25,7 минг тонна) 2,87 миллион АҚШ долларига чет элга экспорт қилинди.

Марказий Қизилқум фосфоритларидан оддий суперфосфат олишининг жаҳон таърибасида мавжуд бўлмаган янги жадаллаштирилган технологияси ишлаб чиқилди. Ушбу технология Навоий шаҳридаги «Электромехзавод» ЕАЖ-ҚК да жорий этилиб, 2004-2009 йиллар даврида умумий қиймати 4,6 миллиард сўмга тенг бўлган 61,3 минг тонна оддий суперфосфат ўғити ишлаб чиқарилиди. Ушбу ўғитнинг қиймати 1,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган қисми, яъни 18,9 минг тоннаси чет элга экспорт қилинди.

Маҳаллий хошайвон асосида таркибиде фосфор моддасини ушлаган суспензия ҳолатидаги суюқ селитра ўғитини олиш технологияси яратилди. 2008 -2010 йиллар давомида «Самарқандкимё» ОАЖ нинг таъриба-санаят қурилмаларида умумий қиймати 714,0 миллион сўмлик 6,0 минг тонна суюқ ўғит ишлаб чиқарилиди.

Юқори самарали «Супер ХМД-с» дефолианти суюқ ХМД

(хлорат магнийли дефолиант) ва «Хосил» стимулятори асосида яратилган. 2007-2010 йиллар давомида «Фаргона» ОАЖ да умумий қиймати 39,0 миллиард сўмга тенг бўлган 19,1 минг тонна «Супер ХМД-с» дефолианти ишлаб чиқарилиди. Биргина 2009 йилнинг ўзида умумий қиймати 17,3 миллиард сўмлик 8,6 минг тонна «Супер ХМД-с» дефолианти ишлаб чиқарилиб, унинг ёрдамида мамлакатимиздаги дефолианти қилинадиган пахта далаларининг 62,8 фоизи (яъни 687 минг гектар майдон) ишланди.

Шунингдек, институтда кам захарли ва юқори самарали «УзДЕФ» номли янги дефолиант яратилди. 2009-2010 йиллар давомида «Фаргонаазот» ОАЖ да умумий қиймати 6,7 миллиард сўмлик 3,0 минг тонна «УзДЕФ» дефолианти ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга юборилди. 2009 йили ушбу препарат билан дефолианти қилинган пахта далаларининг 7,7% ишланди.

Институт мутахассислари томонидан олиб борилган изланишлар натижасида юқори самарали, экологик жиҳатдан тоза бўлган, ўсимликларни ўстирувчи ва ривожлантирувчи препарат «Хосил»ни олиш технологияси яратилди. Бир неча йиллардан бери ўтказилган таърибалар шуни кўрсатдики, «Хосил» препарати ёрдамида пахта ҳосилдорлиги 1 гектар майдонда 3-4 центнергача, бугдой ҳосилдорлиги эса 5-7 центнергача ошганлиги аниқланди. 2004-2010 йиллар давомида институтда 987,0 миллион сўмлик «Хосил» препарати ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

Бухоро нефтини қайта ишлаш корхонасининг мутахассислари билан ўзаро ҳамкорликда, МДХ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб, маҳаллий нефть ва газ конденсатлари асосида, газ турбинали двигателлар учун

юқори сифатли Джет А-1 навли авиация ёқилғисини ишлаб чиқариш технологияси яратилди ва амалиётга жорий этилди. Ушбу корхонада ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари, Джет А-1 навли авиация ёқилғиларига қўйиладиган барча халқаро талабларга тўла жавоб беради. 2009-2010 йиллар давомида умумий қиймати 62,5 миллиард сўмга тенг бўлган 137357 тонна Джет А-1 маркали авиация ёқилғисини ишлаб чиқарилиб, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК самолётлари учун етказиб берилди, ушбу ёқилғининг 47366 тоннаси чет эл ҳаво кемалари учун 28,3 миллион АҚШ долларига сотилди. Ўтган давр ичида ҳақиқий иқтисодий самара 12,3 миллиард сўмни ташкил этди.

— Санаят корхоналари мутахассислари билан ўзаро ҳамкорликда яратилган инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш орқали 2004-2010 йиллар давомида умумий қиймати 153,1 миллиард сўмлик 7 та янги маҳсулотлар (оддий суперфосфат, нитрофос ва суюқ селитра ўғитлари, «Супер ХМД-с» ва «УзДЕФ» дефолиантлари, «Хосил» стимулятори, Джет А-1 навли авиация ёқилғиси) ишлаб чиқарилиди, — дея таъкидлайди академик З.Салимов.

— Институтнинг 18 та истиқболли ишланмалари таъриба-санаят миқёсидаги синовлардан ўтиб бўлди ёки бу жараён давом этмоқда. Бундай ишланмаларнинг 4 таси кимё санаятига, 6 таси нефть-газ санаятига, 4 таси қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга, 3 таси тоғ-металлургия санаятига таалуқли бўлса, фақат битта ишланма тозалаш санаятига тегишлидир.

Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган Республика инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркала-

рида ҳам институт илмий жамоаси фаол қатнашиб келмоқда. Дастлабки I ярмаркада 14 та ишланмалар тақдим этилган бўлса, IV ярмаркада эса бундай ишланмаларнинг сони 22 тани ташкил этди.

III Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида (2010 йил 1-3 март) тақдим этилган ишланмалари учун «Саноат билан энг фаол ишлаётган илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасаси» номинациясида Умумий ва ноорганик кимё институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. IV ярмаркада (2001 йил 13-15 апрель) фаол иштирок этгани учун институт Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштирувчи қўмитанинг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Инновацион технологияларни санаят корхоналарига жорий этиш орқали фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги илмий-техникавий алоқалар мустаҳкамланди. Пировад натижада, институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Охириги 5 йил ичида институтнинг но-бюджет маблағлари 233,9 миллион сўмдан 1 миллиард 50,1 миллион сўмгача, яъни 4,5 марта ошди.

Хулоса қилиб айтганда, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда иқтисодиётнинг асосий тармоқларига инновацион технологияларни кенг жорий этиш ҳам ашёларни чуқур қайта ишлаш, маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш, иссиқлик ва энергетик сарфларни камайтириш, тайёр маҳсулотлар таннархисини псайтириш ва уларнинг сифатини юксалтириш каби вазифаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Суд ҳоқимияти

давлат ҳоқимиятининг мустақил тармоғи

Ҳуқуқ

Темур БОТИРОВ,
СамДУ ҳуқуқшунослик
факультети талабаси.


Бугунги кунга келиб, мустақил мамлакатимизда суд ҳоқимияти давлат ҳоқимиятининг мустақил тармоғи сифатида тўла шаклланган деб айтишга барча асосларимиз етарли. Зеро, шўролар даврида бу гоё мутлақо рад этилганди. Суднинг ҳуқуқни муҳофаза этувчи функцияси ҳақида деярли гапирилмас эди, унинг қатағончилик функцияси асосий ўринини эгаллаб, амалда судлар давлат ҳоқимиятининг бостиришга қаратилган мажбурлов аппарати сифатида намойён бўларди. Мустақилликка эришилганидан сўнг, ҳуқуқий давлат барпо этиш гоёсининг илгари сурилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳоқимиятининг алоҳида ва мустақил ҳоқимият тармоғи сифатида ажратилиши билан қонунчиликда ўз аксини топаётган назарий негиз пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида давлат ҳоқимиятининг мустақил уч тармоққа бўлиниши ва уларнинг бир-бирдан мустақил равишда фаолият юритиши мустаҳкамлаб қўйилди. Бу билан суднинг назорат функциясини аниқлаштириш, судларнинг ваколатларини ва назорат функцияларини қайтадан кўриб чиқиш ва қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурати белгиланди.

Суд ҳоқимияти, ҳоқимиятнинг алоҳида тармоғи бўлиб, у ўз табиати бўйича ҳоқимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро

эълон қилган (106-модда). Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳоқимиятига алоҳида боб бағишланиши ва уларнинг бир-бирдан мустақил равишда фаолият юритиши мустаҳкамлаб қўйилди. Бу билан суднинг назорат функциясини аниқлаштириш, судларнинг ваколатларини ва назорат функцияларини қайтадан кўриб чиқиш ва қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурати белгиланди.

Суд ҳоқимиятининг жамиятда умумэтироф этилган ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб шундай фикрга келса бўладики, Ўзбекистон Республикаси суд ҳоқимияти ҳоқимиятнинг алоҳида мустақил тармоғи бўлиб, давлатнинг инсон ва



этувчи тармоқларидан фарқ қилади. Суд ҳоқимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳоқимиятлар билан бирликда мавжуд бўлишига деюмкратик давлатнинг муҳим белгиси саналади. Суд ҳоқимиятининг давлатнинг бошқа тузилмаларидан мустақил ажралиб чиқиши мазкур мамлакатнинг ҳуқуқ устуңлиги тамойили, ундаги эркинлик ва адолат гоёларини амалга татбиқ этишдаги жиҳдий ютуқлари ҳақида гувоҳлик беради. Суд ҳоқимиятининг асосий мақсад-вазифаси бўлиб, жамият аъзоларини, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳуқуққа хилоф таъжоратлардан, давлат институтларининг ноқонуний ҳаракатларидан асраш, химоя қилиш ҳисобланади.

Жамиятда вужудга келадиган низоларнинг ҳуқуққа асосланган ҳолда ҳал этилишини таъминлаб, барча субъектларнинг қонунга итлоат этиши ҳоқимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларини чегаралаб, тийиб туришда, уларнинг фаолиятлари устидан ҳуқуқий назоратни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур функция ўзининг самарасини суд ҳоқимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳоқимият тармоқларининг фаолиятларини Конституцияга қанчалик мос бўлаётганини текшириш, улар томонидан Асосий қонунга хилоф равишда чиқарилган қонун ҳужжатларининг амал қилишини тўхтатиб қўйиш имконига эга бўлган тақдирда беради.

Мамлакатимиз Асосий қонун суд ҳоқимияти ўз фаолиятини қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳоқимиятлардан, сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда амалга оширади деб

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш функциясини бажаради. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунчиликда мавжуд бўлишига деюмкратик давлатнинг муҳим белгиси саналади. Суд ҳоқимиятининг давлатнинг бошқа тузилмаларидан мустақил ажралиб чиқиши мазкур мамлакатнинг ҳуқуқ устуңлиги тамойили, ундаги эркинлик ва адолат гоёларини амалга татбиқ этишдаги жиҳдий ютуқлари ҳақида гувоҳлик беради. Суд ҳоқимиятининг асосий мақсад-вазифаси бўлиб, жамият аъзоларини, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳуқуққа хилоф таъжоратлардан, давлат институтларининг ноқонуний ҳаракатларидан асраш, химоя қилиш ҳисобланади.

Жамиятда вужудга келадиган низоларнинг ҳуқуққа асосланган ҳолда ҳал этилишини таъминлаб, барча субъектларнинг қонунга итлоат этиши ҳоқимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларини чегаралаб, тийиб туришда, уларнинг фаолиятлари устидан ҳуқуқий назоратни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур функция ўзининг самарасини суд ҳоқимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳоқимият тармоқларининг фаолиятларини Конституцияга қанчалик мос бўлаётганини текшириш, улар томонидан Асосий қонунга хилоф равишда чиқарилган қонун ҳужжатларининг амал қилишини тўхтатиб қўйиш имконига эга бўлган тақдирда беради.

Мамлакатимиз Асосий қонун суд ҳоқимияти ўз фаолиятини қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳоқимиятлардан, сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда амалга оширади деб

Истиқлол берган неъмат

Туман ташкилотларида

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Бу қутлуғ сана арафасида ҳар бир фуқаронинг қалби гурур ва ифтихорга тўлиб тошмоқда. Айниқса, истиқлол ёшларининг қувончи чексиз.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Янгиариқ туманида ушбу қувончли кун — Истиқлолимизнинг 20 йиллиги муносабати билан «Буюқ ва муқаддасан, мустақил Ватан» деб номланган тадбир ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўтган йигирма йил давомида ҳаётимизда улкан ўзгаришлар амалга оширилганлигини фахр тўла ифтихор билан тилга олдилар. Ай-

ниқса, мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб, ёшларга алоҳида эътибор, уларнинг қайси соҳада бўлмасин эркин ижод қилишлари учун барча қулайликларнинг яратилганлиги аниқ мисолларда кўрсатилди.

Шунингдек, тадбир доирасида тумандаги иқтидор эгаларининг ижодий ишлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Бунда аёллар, ёшлар ўзлари яратган ижодий ишлари-

ни намойиш этиб, ўз иқтидор ва салоҳиятларини яна бир бор кўрсатди.

— Бундай тадбирлар биз ёшларни келажакка бўлган ишончимизни янада орттиришга хизмат қилади, — деди Қувончий Қиличева. — Айниқ-

са, биз ёш тадбиркорларга давлатимиз томонидан берилган юксак эътибор бизни янада руҳлантириб, олга интилишимизга ундамоқда. Мазкур тадбирнинг ташкил этилишини ҳам юксак эътибор намунаси дейиш мумкин.

Тадбирда маҳаллий Кенгаш депутатлари, партиянинг «Аёллар» ҳамда «Ёшлар» қаноти вакиллари ҳам фаол иштирок этиб, ёшларни мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашда фаол иштирок этишга чақирди.



Оилавий бизнес — фаровонлик калити

Тажриба ва ташаббус
Зохир ТУРАКУЛОВ,
«Adolat» мухбири.

Самарқанд шаҳридаги қатор маҳаллаларда хусусий тадбиркорликни, оила бизнесини ривожлантириш орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бу борада юзага келётган ташаббусларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳар бўлини маси раиси, «Адолат» СДП аъзоси Ҳўкам Аслидиновнинг таъкидлашича, бугун аҳолининг бевосита турар-жойларида кичик савдо, маший хизмат ва сервис соҳобчалари, озиқ-овқат, нон-макарон цехлари, автомобилларни ювиш ва соғлаш масканлари, интернет клублари очилгани меҳнат бозорида қўшимча имкониятларни пайдо қилмоқда. Зеро, мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис палаталари қўшма Мажлисида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси борасида қўлган маърузасида айтилганидек, иқтисодийнинг турли соҳаларида оилавий бизнеснинг жadal ва кенг ривожланиши — янги иш ўринлари очилишига шароит туздиради.

Фақат шу йилнинг ўзида шаҳардаги «Шодлик», «Сўзангарон», «Хўжанди», «Богишифо», «Йўнги-каарик», «Саидмаҳалла» сингари аҳолиси кўп маҳаллаларда касаначиликни ва оила бизнесини йўлга қўйиш орқали юзга яқин янги иш ўрни яратилди.

Турли миллат вакиллари- дан иборат 702 та оилани ўз ичига олган «Саидмаҳалла» фуқароларининг мустақил ташаббуслари қўллаб-қувватланаётган, хусусий тадбиркорлик кун сайин ривожлантирилаётган истиқомат масканларидан ҳисобланади. Маҳалла қошида тадбиркорлар уюшмаси тузилган бўлиб, у ўз сафи-

га 114 нафар турли касб-кор билан шуғулланаётган кишиларни бирлаштирган.

Маҳалла фуқароси Саиджамол Ризаев ўз уйда гул етиштиради. Унинг шу мақсадда қурилган иссиқхонаси йилнинг тўртта фаслида ҳам харидорлар билан гажум. Тадбиркор гулчилик орқасидан ҳовли-жойларини таъмирлаб, оила бюджетини мустақамлаб олганидан мамнун.

«Саидмаҳаллада» акфа де-разаромлари тайёрлаш цехи, новвойхона, компьютер хизмати маркази, гўзаллик салони ва бошқа кўплаб хизмат соҳобчалари, оилавий поликлиника аҳоли яшаш жойида ўзига хос қўлайлик яратмоқда.

— Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган, истеъмол ва хизматлар бозорини тўлдиришга ҳаракат қилаётган фуқароларимизнинг манфаатларини, интилишларини ҳар доим ёқлаб келаялмиз, — дейди маҳалла оқсоқоли Мўмин Мухсинов. — Шу боис, маҳалламиз кун сайин обод, фаровон бўлиб бормоқда.

Самарқанддаги Кўшчинор маҳалласи оилавий бизнес авж олдираётган ана шундай турар-жой масканларидан яна биттаси сифатида аллага қачон довуқ қозонган. Уста Ҳамза Жўраев оиласи бу ерда сандиксозликнинг орқасидан дурустгина даромад топмоқда.

— Уч нафар фарзандим ва ўзим шу касб билан кун кечириб, халқнинг қорига яраётганимиздан мамнунман, — дейди оила бошлиғи. — Маҳалла йўғини оқсоқоли шаҳар ҳокимлиги билан келишилган ҳолда менга ўз маҳсулотимни сотиш учун аҳоли гажум кўчада дўкон очилишига ёрдамлашди. Энди яна уч нафар шогирдим ишга жалб этдим.




Ха, бугун шаҳарнинг «Хўжанди» маҳалласида қандадлатчилик, «Девони қўндаланг»да новвойлик, «Каттаарик»да маший хизмат курсатиш оилавий бизнеснинг даромадли соҳаларига айлангани ва ишсизлик муаммосини енгиллаштириётгани эътиборга лойиқдир. Бу борада орттирилган тажрибалар эса меҳнат ресурслари кўпроқ тўпланиб қолган маҳалаларда кенг жорий этилаётганлиги ва аҳоли ўртасида зарур тушунириш-тарғибот ишлари олиб борилаётганлиги янада аҳамиятлидир.

— Йил бошидан буён маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш масалаларига бағишлаб ҳокимлик раҳбарлари, турли доирадаги депутатлар иштирокида 2 марта се-

минар ўтказдик, — дея фикрини давом эттиради партия-дошммиз Ҳўкам Аслидинов. — Мулоқотлар чоғида бу муҳим жараённи кучайтиришга ҳалал бераётган муаммоларни бартараф этиш хусусида ҳам батафсил келишиб олинди.

Оилавий бизнес — оила фаровонлигининг калити. Унинг ҳамма жойда бирдек амал қилиши ва қутилган натижаларни бериши учун маҳалла оқсоқоллари, партия фаоллари, депутатлар ўзаро бирлашиб ҳаракат қилаётганликлари янги ташаббусларга йўл очмоқда.

Суратларда: Самарқанддаги оила бизнеси билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорлар фаолиятидан намуналар.



Куйи ташкилотлар фаолияти қачон кучаяди?

Тадбир
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институтнинг Тошкент шаҳар минтақавий бўлини маси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон «Адолат» СДП» электоратининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирокини фаоллаштиришда туман кенгаши ва бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти самардорлигини ошириш масалалари мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган маъзур тадбирда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, туман кенгашлари раислари, бошланғич партия ташкилотлари вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

Семинар-тренингни Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Парида Пармонова кириш нутқи билан очиб, мамлакатимиздаги илчил ислохотлар самарасини таъминлашда партия томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ўрни борлигини, партиянинг мақсад-вазифалари, гоёларини кенг тарғиб-ташвиқ этишда унинг қуйи бўғини ҳисобланган бошланғич партия ташкилотларининг муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади. Бу жараёнда бошланғич партия ташкилотлари электорат манфаатларини химоя қилиш, уларни ўйлантириётган масалаларни ҳал этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши қайд этилди.

— Бошланғич партия ташкилотларининг аввало, фаолиятини такомиллаштириш, жонлантириш ва фаоллаштириш бугунги сиёсий жараёнларда, айниқса, долзарб масалалардан саналади, — деди П.Пармонова — Бунда албатта, партия ту-

катимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида бир жиҳат алоҳида ўрин тутди. Бу, албатта, ижтимоий химоя масаласидир. Юртимизда давлат ҳолатдан яхши хабардор бўлган маҳалла фуқаролари йўғинлари фаолиятини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг асоси бўлган бошланғич партия ташкилотлари раҳбарларининг изчил фаолиятига кўп нараса боғлиқ бўлади, — деди Тошпўлат Матибобов. —

Ҳар қандай партиянинг асосан ана шу бўғини ижтимоий химоянинг адолатли йўлга қўйишида жамоатчилик назоратчиси ва зифасини ўташи мумкин бўлган тизим — ма-

азалдан мавжуд бўлган ўзаро меҳр-оқибат курсатиш, бе-миннат ёрдам бериш, ҳашар, тўю маъракада бел боғлаб хизматда туриш, беморлар, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиб, мурувват курсатиш, хайр-эхсон ва бошқа қадриятларимиз ҳам аҳолининг кам таъминланган қатламларига катта қўмак бўлади. Ижтимоий ҳамкорлик жамиятимиздаги ижтимоий химоя тизимида асосий омиллардан бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Албатта, бу жараёнда, айниқса, бошланғич партия ташкилотларимизнинг фаолиги ошиб бораётгани партияимиз истиқболига ишонччи мустах-



қини жонлантиришда давом этмоқда.

Халлаларга ҳар томонлама яқиндан ёрдам бериш имконига эга. Шу ўринда бир масалага эътибор қаратмоқчиман. Мен ишлаётган Миробод туманида 18 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда. Улар ўз сафларида салкам олти юз аъзони бирлаштиради. Партия фаоллари томонидан аҳолининг ижтимоий ҳолати ўрганилиб, вақти-вақти билан қаровисиз кексалар, боқувчис бўлмаган оилалар ҳолидан хабар олиб туриш аъзонага айланаётгани диққатга молиқдир. Ижтимоий химоянинг ўзбекона андо-засига биноан халқимизда

камлашга хизмат қилмоқда, сафимизга қўшилувчилар ва хайрихоҳлар сонининг ортшига замин яратмоқда.

Ҳар қандай миллат ва халқнинг, ҳар қайси юртининг эртанги куни, порлоқ истиқболи кўп жиҳатдан унинг етук, баркамол, сиёсий уйғоқ ва ишчан кадрларига боғлиқ. Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институтида Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши ҳамда институтнинг Тошкент вилояти минтақавий бўлини маси билан ҳамкорликда «Сиёсий партияларда кадрлар тизими сифатини янада такомиллаштириш, партияларнинг ҳудудий бўлини маси ва БПТлар фаолиятини самарали ташкил этишнинг муҳим омил сифатида» мавзуидаги семинар-тренинг ҳам худди шу мақсадда ташкил этилди.

Кадрлар захираси

партия мафкурасини янада мустақамлашда, ташкилий партиявий фаолиятни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади

Партиявий мавзу
Нурбек Абдухалилов,
«Adolat» мухбири.

Партиянинг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда «Сиёсий партиялар ҳудудий ва бошланғич ташкилотларини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари», «Худудий ва бошланғич партия ташкилотларининг ижтимоий-сиёсий вазифалари ва уларни самарали амалга ошириш масалалари», «Сиёсий партияларнинг жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва худудлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги иштироки», «Партиянинг худудий бўлини маси, БПТларнинг ўз электорати билан доимий алоқаларини мустақамлашдаги долзарб муаммолари», «Сиёсий партияларда кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда уларнинг маърузасини оширишдаги долзарб вазифалар» номли маърузалар тингланди.

институти Тошкент вилояти минтақавий бўлини маси катта илмий ходими Баҳодир Холбўтаев. — Бундай сай-харакат, ўз навбатида электорат ва сайловчиларининг ишонччини қозонишга, халқ орасида обрў-эътибор топишга мустақам замин бўлиб хизмат қилади. Аёнки, бу мақсадга эришиш бевосита кадрлар салоҳиятига, уларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш билан боғлиқ ишлар самардорлигига боғлиқ. Шундай экан, партия жойлардаги қуйи ташкилотлари фаолиятини жонлантириши лозим.

Партиянинг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда «Сиёсий партиялар ҳудудий ва бошланғич ташкилотларини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари», «Худудий ва бошланғич партия ташкилотларининг ижтимоий-сиёсий вазифалари ва уларни самарали амалга ошириш масалалари», «Сиёсий партияларнинг жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва худудлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги иштироки», «Партиянинг худудий бўлини маси, БПТларнинг ўз электорати билан доимий алоқаларини мустақамлашдаги долзарб муаммолари», «Сиёсий партияларда кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда уларнинг маърузасини оширишдаги долзарб вазифалар» номли маърузалар тингланди.

Йўғилиш иштирокчилари партия ташкилотларида кадрлар таркибининг мустақамлаш мақсадида олиб борилаётган амалий ишларни эътироф этган ҳолда, бу борада келгусида бажарилаётган чора-тадбирлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Таъкидландики, партиянинг кадрлар сиёсатида ёндашуви давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидаги кадрлар билан ишлаш шаклидан фарқ қилади.

Мухокамаларда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш борасида қатор таклифлар илгари сурилди ва уларнинг депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, жойларда мунтазам жамоатчилик назоратини олиб бориш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбек кураши жаҳон майдонида

« Давомий. Боши 1-бетда

фидир. Шу боис Осиё олимпия кенгаши Ўзбек курашини 2013 йили Жанубий Корейнинг Инчон шаҳрида ёпик ишшоотларда ҳамда жанговар яккакурешлар бўйича ўтказилган IV Осиё ўйинлари дастурига киритди.

Матбуот анжуманида қайд этилишича, авваллари алоҳида ўтказилган бу икки нуфузли муросақачанин қўшилгани боис, Осиё олимпия кенгаши томонидан ундан ўрин оладиган спорт турлари сони қисқартирилган. Узок муҳокамалардан сўнг, ушбу нуфузли мусобақа дастурига киритишга номзод ўттиздан ортиқ спорт туридан фақат тўққизтаси саралаб олинган. Бунда ушбу спорт турларининг оммавийлиги, дунё миқёсида жадал ривожланаётгани ва Олимпия ўйинларига кириш истиқболи эътиборга олинган.

Кувонарлиси, улар сафидан ўзбек кураши ҳам жўй олди. Энди 2013 йилги IV Осиё ўйинларида иштирок этадиган қирқдан ортиқ мамлакат вакиллари миллий спортимиз бўйича беллашади. Мусобақалар эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилди.

Олижаноб хислатларини ўзида мужассам этган ва инсонпарварлик гоёлари билан йўғрилган ўзбек кураши ўзининг адолатли тартиб-қоидалари, қиройли усуллари билан жаҳон халқларининг ҳурмати-га сазовор бўлаёттир. Кураш бўйича ўтказилаётган мусобақалар дунё ахлига ёрқин таассиротлар, завқ сурур улашмоқда.

Юртимизнинг тобора тараққий этаётган спортидаги бу тарихий воқеа ўзбек кураши яқин келажақта Олимпия ўйинлари дастурига киритилиши сари қўйилган яна бир муҳим қадамдир. Бу эса курашнинг асл ватани — Ўзбекистонимизнинг жаҳон спорт ареналарида ўзига хос, ўзига мос нуфуз ва обрўга эга эканлигининг яққол ифода-сидир.

Бугун ушбу миллий спортимиз дунёнинг барча қитъаларига кенг ёйилмоқда. Кураш халқаро ассоциацияси бу борада самарали фаолият юри-таёттир. Осиё, Европа, Панаме-рика, Африка ва Океания кураш конфедерациялари таркиби-га бирлашган юздан ортиқ давлатда маъзур яккакуреш тури бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро тур-нирлар юксак савияда ташкил этилаёттир.

«Кураш», «таъзим», «тўхта», «ёнбош», «чала», «дакки», «ҳалол» каби ўзбекча сўзларнинг турли миллатга мансуб ҳақамлар тилидан янграши кўксимизни тоғдай кўтарди. Миллий курашимиз усуллари-ни моҳирона қўллаб, бел оли-шаётган хоржилик полвонлар-ни кўрганмизда қалбимиз-фаҳру гурурга тўлади.

“Қиз узатдик, ёр-ёр...”

Тўйларимиз — ўйларимиз

Шамсия ХУДОЙНАЗАРОВА,
журналист.

Оилавий поликлиникага тиббий кўриқдан ўтиш учун борган фуқаролар навбат кутиб туришганди. Уч-тўрт нафар забардаст йигит бир аёлни суяб олиб келишди ва навбатда турганлардан изн сўрашди: “Илтимос, оймизнинг аҳоли оғир, қон босими жуда ошиб кетган, зуллик билан муолажа хонасига олиб кирмасак бўлмайди...” Беморни ичкарига олиб киришгач, улар билан қисқа салом-алиқ қилишга улгурган аёл куюниб гап бошлаб қолди: “Вой, бечора кўшним-ей... тезроқ тузалиб кетсинда, ишқилиб. Бояқш икки кун бўлди-я, қиз узатганига. Биттаю битта қизим борган жойида тиниб-тинчиб кетсин деб, роса қарз кўтарди ўзим. Тўртта ўғлим бор, бир иложини қилиб, қарзларни узаман, деб ўйлаган-да. Лекин маошга яшайдиган ўғилларининг ҳам бола-чақаси бор. Уй-рўзори, ўзига яраша эҳтиёжи бор. Бу катта пулларни қачон тўплашди-ю, қачон эгаларига қайтаришди? Шунинг ўйлаб сиқилган-да, бечора кўшним. Ҳе-ей, қиз узатиш ҳам қийин бўлиб кетди...”

“Ёр-ёр” билан қиз узатган онанинг “бечора” ҳолига тушишига ким айбдор? Аввало, унинг ўзи эмасми?... Қиз узатиши, ўғил уйлантириши, тўй қилиши, умуман, азалий одатларимиздан саналган турфа маросимларни ўтказишни ким “қийин”лаштиряпти? Айнан бизнинг ўзимиз, дабдабага ўчлигимиз, кимўзарчиликка тўй қилиб, кибру ҳаволар билан мактанчоқликка муккамиздан кетаётганимиз эмасми? Ахир, моддий бойлик “гашти”дан қувониш бориб турган маънавий қашшоқликнинг ўзику? Боз устига кимларнингдир кўнглига “фарах” бағишлайдиган мактанчоқлик ҳам фазилат эмас, аксинча, турган биттаин иллат-ку?... Ортиқча дабдабани мартаба деб ўйлаб, (Модомики, ортиқча дабдаба-

нинг “мартаба” деб аташ лозим бўлиб қолса, уни ислоҳчилик эмас, исрофчилик, аклсизлик мартабаси деб атаган бўлардим.) хом хаёлга берилмаётганлар аслида ўзидаги ана шу иллатни элга намойиш қилаётганликларини наҳотки тушунмаётганларми?.. Баъзан никоҳдан ўтиш учун йўл олаётган келин-куёвнинг атрофида ўнлаб машиналар катта кўчаларни тирбанд қилиб, аҳоли учун ноқулай вазиятни юзага келтиргани, ҳатто куёв-жўраларнинг ширакайф ҳолат-да рул бошқариб, автохалокатлар содир этгани, яъни кимнингдир шодидёна куниди, кимнингдир ҳаётига сўнгги нуқта қўйилгани ҳақидаги ноҳуш гаплар қулгоғимизга чалинганида тазарру билан ёқамизни ушлаганларимиз рост. Ёшлар-



нинг бу “бебошлик”ларига ким кенг йўл очиб беради, аслида? Болаларининг баъзан “қолил”га сиғмайдиган ҳою ҳаваслари, тантқиқликларини, қўллаб-қувватлайдиган ота-оналар эмасми? Ахир, тўй — икки ёшнинг аҳду паймони, оила аталмиш муқаддас кўрғонга қадам қўйиш жараёни бўлиб-гина қолмай, балки унда миллионлаб маънавий қиёфаси, гўзал урф-одатлари ҳам акс этади-ку!... Шундай экан, нега баъзи ота-оналар “ёшлик ҳаво-си” билан кўр-кўрона ўзгаларга тақлид қилаётган фарзандига ортиқча сарф-харажатлар

ўрнига маблағни тўйдан кенг йўл очиб беради, аслида? Болаларининг баъзан “қолил”га сиғмайдиган ҳою ҳаваслари, тантқиқликларини, қўллаб-қувватлайдиган ота-оналар эмасми? Ахир, тўй — икки ёшнинг аҳду паймони, оила аталмиш муқаддас кўрғонга қадам қўйиш жараёни бўлиб-гина қолмай, балки унда миллионлаб маънавий қиёфаси, гўзал урф-одатлари ҳам акс этади-ку!... Шундай экан, нега баъзи ота-оналар “ёшлик ҳаво-си” билан кўр-кўрона ўзгаларга тақлид қилаётган фарзандига ортиқча сарф-харажатлар

фалон пулга номдор кўшиқчининг келишини талаб қилиб оёқ тираш-чи? Ёшларни кўтлагани ва яқин қавму-қариндошлари билан дийдорлашгани ташриф буюрган меҳмонларнинг қулқларини батанг қилиб аж-набий мусиқаларни бор шов-қин-сурони билан баралла қўяётганларнинг-ку, мақсадини тушунайсан киши... Ёҳуд келин-куёвнинг тўйдан олдин яна “фалон доллар” сарфлаб, “валъс” тушишни “репитиция” қилаётганларини ва бу “номер”-ни тўй кўни ҳаммининг кўз ўнгиди намойиш этишларини қандай баҳолаш мумкин?..

Ахир, бу ҳол урф-одат ва қадриятларимизга бутунлай ёт-ку? Ёшларнинг на моддий ва на маънавий ҳаётига ҳеч бир нафи бўлмаган бу ортиқча сарф-харажатлар, ўзбекчиликка ёт “томошалар” ким учун ва нима учун зарур?... Қадим-қадимдан аҳдодларимиз тўйларни ихчам, чиройли ва исрофгарчиликсиз ўтказишган. Бунинг замирида ҳикматлар бисёр. Бугун ҳам бу масала қалби уйғоқ замондошларимизнинг диққат марказидадир. Истиклолнинг ilk йиллариданоқ қадриятларимиз тикланиб, уни такомиллаштиришга

киришилди. Жумладан, тўй маросимларини ортиқча дабдабасиз ва кимўзарчиликдан ҳоли, гўзал ва ихчам ўтказишга алоҳида эътибор қаратиб келина-япти. Жумладан, 2010 йил 4 августда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги мажлисида ҳам ушбу масала юзасидан жиддий танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тўй ва маросимларни ихчам ҳамда тежамкорлик асосида ортиқча дабдаба-бозликдан ҳоли ўтказишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш йўлга қўйилди. Бироқ бу долзарб масалага маълум ташкилот ва муассасаларнинггина ваколатиди-ги вазифа деб қараш ножоиздир. Бизнингча, сиёсий партиялар, айниқса, “Миллий тикланиш” партияси шу масала юзасидан етарлича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борса, жамоатчилик назоратини кучайтирса мақсадга мувофиқ бўларди. Бугун ҳар биримиз юксак маънавиятга эга бўлишимиз, миллий қадриятларимизни кўз қорачиқдек асрашимиз, мамлакатимиздаги маънавий-маърифий муҳитни янада соғломлаштириш борасида қўлни қўлга бериб, баҳамжиҳат иш қўришимиз лозим. Зеро, шу азиз ватан барчамизники. Барчамизнинг тақдиримиз шу юрт, шу миллат тақдирини билан чамбарчас боғлиқ. Азиз замондош! Маълумингизки, тарозининг икки палласи бор. Унинг бир томонига ўз юртингиз, халқингиз, миллий урф-одатлар, ўлмас қадриятларимизга бўлган садоқат туйғусини, иккинчи палласига эса ўзингизнинг тизгин билмайдиган ҳою ҳавасларингизни қўйиб қўринг. Қани, қай бири оғирроқ тош босар экан?...

VISION — Мустаҳкам саломатлик гарови

Реклама ўрнида

Нурхон ЭЛИМИРЗАЕВА,
“Adolat” мухбири.

Мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват, чидамлилиқ — буларнинг бари муваффақият кўрсаткичлари. Соғлиқ бор жойда умид ва интилиш бўлади. Шифокорлар фикрича, мустаҳкам саломатликка эга бўлиш учун танамиздаги миллионлаб ҳужайраларни керакли озуқа моддалари билан вақтида таъминлаб бориш керак. Бу эса экологик тоза ва сифатли маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилиш лозимлигини билдиради. Бироқ, ҳозирги замон озиқ-овқат маҳсулотлари инсон фаолияти учун етарли витаминлар ва микроэлементларга эга эмас, дея бот-бот таъкиллашмоқда мутахассислар. Экологиянинг ифлосланиши, чекиш, асабий зўриқишлар, антибиотик ва гармонал дорилар, табиий маҳсулотлар қолиб сунъий таъм ва ранг бериб тайёрланган маҳсулотларни истеъмол қилиш оқибатида саломатлик катта зиён кўради.



туришимиз мумкин. Хусусан, зарур элементлар орқали организмни сурункали таъминлаб туриш ва иммунитетни кучайтириш натижасида организм оғир метал ва захарли моддалардан тозалана, соғломлаштириб олишимиз мумкин. Муаммоларнинг энг самарали ечими — БИОЛОГИК ФАОЛ КЎШИМЧАЛАР билан ҳужайраларни озиклантиришдан иборат. Бинобарин, соғлиқни сақлаш, сурункали касалликлар ривожланиш хавфини камайтириш учун овқатга жуда кўп бирикмалар зарур. Чунки, соғлиқ учун барча кўрсаткичлар меъёр доирасида бўлиши, мослашиш реакцияларини таъминловчи резерв имкониятлари кераклигини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкин-ки, атоф-муҳитга чидамлилиқнинг пасайиши имунитет танқислиги, организм микронутриентлар, биологик фаол компонентлар билан етарли даражада таъминланмаганлигидир, дейишмоқда нутрициологлар. Овқатга биологик фаол

кўшимчалар (БФК) эса овқатланиш рационини муайян озик моддалари ёки биологик фаол моддалар ва уларнинг комплекслари билан бойитиш мақсадида овқат билан бевосита қабул қилиш учун мўлжалланган табиий ёки табиийга ўхшаш биологик фаол моддаларнинг композицияларидир. «VISION International People Group» компаниясининг биологик фаол кўшимчалари эса ана шундай биологик фаол моддалар бўлиб, мустаҳкам саломатлик ҳада этиши билан эътиборга лойиқ. Компонентлар таркиби оптимал танланган ва чуқур клиник шароитларда ўрганилиб тайёрланганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг биологик фаол кўшимча қабул қилган бемор таъминан 15-30 кунлардан сўнг саломатлиги яхшилана бораётганини ҳис қилади. Бу жараён секин-аста давом этади.

Кимёвий дори-дармонларнинг кучли таъсирига ўрганиб қолган кишилар эса мазкур жараёнда тезгина натижа беришини кутишади. Афсуски, бунинг сира иложи йўқ. Лекин БФКларни мунтазам қабул қилиш орқали ҳатто сурункали касалликлардан ҳам халос бўлиш мумкин. Озиқ моддалар зарарланган ҳужайраларнинг иммун тизимини мустаҳкамлайди ва организмни мувозанатлашган ишчи ҳолатига келтиради, моддалар алмашинувини яхшилайди, юрак ҳамда қон-томир тизими, сийдик, нерв ва тизимлар фаолиятини мақбуллаштиради. Қолаверса, организмни атоф-муҳитдаги захарли моддалар таъсиридан муҳофаз қилади. Масалан, антиоксидант химоа учун — “Антиокс”, захарлар, шлаклар ва токсинлардан тозалаш учун — “Детокс”, таносил тизими касалликларини олишда — “Нутримакс”, марказий асаб тизими химоаида “Лакс+форте”, болаларни зарур витамин ва минераллар билан таъминлаш учун “Лайфпак Юниор+” ва катталар учун “Лайфпак Сеньор”, кувват алмашинувини меъёрлаштириш ва қанд-инсулин мувозанатини тартибга келтириш учун “Хромвита+”, модда алмашинувини яхшиловчи “Светлформ+” каби БФК шулар жумласидандир. Шифобахш ўсимликлар, турли минераллар, микроминераллар, витаминлардан тайёрланганлиги учун организмга салбий таъсир кўрсатмайди, кўпгина хасталиклари даволашда қўлланган натижалар беради. Улар кундалик ёйиш-ичишимиздаги етишмовчиликлар ўрнини тўлдириши тўғрисида “озиқ моддалари” ҳам деб номланади. Бундай дармондорилардан беморларга эмас, ақлий ва жисмоний зўриқишларни олдини олиш, юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, касалликларга чалиниш хавфини бартараф этиш мақсадида профилактик чоралар сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Энг муҳими, Франциянинг “АРКОРНАРМА” концернига қарашли “NUTRIPARMA L&D” фирма гуруҳи томонидан GMP стандартларига мувофиқ тайёрланган бу БФК катта-кичик

барчага мўлжалланган. Баъзилар қимматбаҳо машинасининг узоқ йиллар хизмат қилишини кўзлаб, сифатли ёқилгини қиммат нарҳларда бўлса-да, оғринмай қўйишади. Лекин ўз соғлигини олдиндан керакли озуқалар билан химоалаш, саломатлик учун олдиндан ҳақ тўлашга эса пулни қизғонишади. Бироқ, орамизда ўз-ўзини севган, саломатлигини ҳар қандай бойликдан устун билган инсонлар ҳам бор-ки, улардан ибрат олсак арзийди. Демак, “VISION” биологик фаол кўшимчалари ўз-ўзини севган инсонлар учун мустаҳкам, ишончли химоадир! “ЛАЙФПАК ЮНИОР+” — Суоқиларимизга энг муносиб туҳфа Эртамиз келажаги — болажонларимизнинг маънавий ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари учун мактаб, ҳатто боғча ёшидан бошлаб жисмоний тарбия ва фан тайёрлов

ўйлагандан ҳам ортиқроқ бўлиши, фарзандларимиз ҳафсала билан дарс тинглаши ва миясида яхши муҳрланиши, энг муҳими, йилнинг тўрт фаслида ҳам соғлом бўлиб юриши ҳақиқий натижалар эмасми? Бундан ташқари, боладаги ҳар қандай ўзгариш — бурундан сув келишдан тортиб жиддий шикастланишга қадар бўлган барча муаммолар етарлича эга сабабларига эга. Болалар учун махсус зарур 10та витамин ва 10 та минерал таркибий қисмини ўз ичига олган ёқилми шоколад таъмли витамин-минералли комплекс — “ЛАЙФПАК ЮНИОР+” бениҳоя ёрдам кўрсатиши аниқ. ЮНЕСКО томонидан тан олинган мазкур озиқ-овқатга биологик фаол кўшимча кўп қиррали самарадорликка эга. Жумладан, ички қорин муаммоларини тузатишдан тортиб, мактабда битирув имтиҳонларини юқори баҳоларда топширишигача кўмаклашади. «ЛАЙФПАК ЮНИОР+»: ✓ модда алмашинувини меъёрлаштиради. ✓ организмнинг асосий витамин ва минералларга бўлган эҳтиёжини таъминлайди. ✓ иммун тизимни мустаҳкамлайди. ✓ организм барча функцияларининг уйғун ривожланишига ёрдам беради. ✓ инфекцияларга қаршилик кўрсатиш хусусиятини оширади. ✓ карвасини олдини олади. ✓ ақлий ва жисмоний зўриқишларда тавсия қилинган. ✓ қон формуласини яхшилайди. Қисқа айтганда, “VISION” компаниясининг мазкур биологик фаол кўшимчаси фарзандингиз соғ-саломат бўлиб ўлғайишида беминнат химоя воситаси бўлиб хизмат қилиши аниқ. Маҳсулот сертификатланган.



